

# INTEGRATION OF PRAGMALINGUISTICS, FUNCTIONAL TRANSLATION STUDIES AND LANGUAGE TEACHING PROCESSES

(dedicated to the 75<sup>th</sup> anniversary of Candidate of Philological Sciences,  
Associate Professor M.Kh.Alimova)

Proceedings of International Scientific-theoretical Webinar



2020-YIL  
25-DEKABR



SOAT 10:00

**Buxoro davlat universiteti Xorijiy tillar fakulteti Ingliz tilshunosligi kafedrasida**

## **“PRAGMALINGVISTIKA, FUNKSIONAL TARJIMASHUNOSLIK VA TIL O'RGATISH JARAYONLARI INTEGRATSIYASI”**

**(Filologiya fanlari nomzodi, dotsent M.H.ALIMOVA tavalludining 75 yilligiga bag'ishlanadi)  
mavzusida tashkillashtirilgan Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman**



QAYSI TILLARDA  
O'ZBEK, RUS, INGLIZ



Manzil: Buxoro davlat universiteti,  
Buxoro shahar M.Iqbol ko'chasi  
11-uy.

## МУНДАРИЖА:

<b>1. Мирзаев Ибодулла, Тухтасинов Илҳом</b> ТАНИҚЛИ ОЛИМ, ТАРЖИМОН ВА ПЕДАГОГ (профессор Муҳаммаджон Холбеков 70 ёшда) .....	4
<b>2. Холбеков Муҳаммаджон</b> АДАБИЁТ ЭЗГУЛИКДАН БЕГОНАЛАШГАН ДАВР (XX аср француз адабиёти мисолида) .....	11
<b>3. Сафаров Шахриёр</b> АНАЛОГИЯ ҲОДИСАСИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАБИАТИ .....	24
<b>4. Тухтасинов Илҳомжон</b> ГИ ДЕ МОПАСАННИНГ “ВЕР АМИ” (“АЗИЗИМ”) РОМАНИДАГИ ЮКСАЛИШ МАВЗУСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ .....	28
<b>5. Ҳасанов Шавкат</b> XX АСР АДАБИЁТИ ТАЛҚИНЛАРИ .....	31
<b>6. Улуғбек Ҳамдам</b> ЖАҲОН АДАБИЁТИ МАНЗАРАЛАРИ .....	34
<b>7. Қосимов Абдуғоппир</b> “КИЧКИНА ШАҲЗОДА” ВА “ОҚ КЕМА” АСАРЛАРИДА МИФОЛОГИЗМ .....	37
<b>8. Ёқубов Жамолиддин</b> ТИЛШУНОСЛИҚДА КОНЦЕПТ ВА КАТЕГОРИЯ ТЕРМИНЛАРИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР .....	41
<b>9. Абдуллаева Ровияжон</b> ИЛМИЙ-ОММАБОП МАТН ТАРЖИМАСИГА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ ...	47
<b>10. Исмоилов Салоҳиддин</b> ИНФИНИТИВ+СИФАТДОШЛИ ОБОРОТЛАРНИНГ ДИКУРСИВ ҚЎЛЛАНИШ ТИПОЛОГИЯСИ .....	57
<b>11. Имяминова Шухратхон</b> БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ .....	61
<b>12. Эрматов Баҳодир</b> XVIII АСР ФРАНЦУЗ ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ.....	68
<b>13. Бақаева М.К., Очилов У.С.</b> ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “АМЕРИКА ФОЖИАСИ РОМАНИ - НАТУРАЛИЗМ ИЖОДИЙ МЕТОДИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ.....	77
<b>14. Ўраева Дармоной</b> ОҒЗАКИ ДРАМАЛАРНИНГ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ БАДИИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ .....	81

<b>15. Ширинова Райима</b>	
“ПАКАНАНИНГ ОШИҚ КЎНГЛИ” АСАРИ ТАРЖИМАСИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ .....	88
<b>16. Халлиева Гулноз</b>	
КОМПАРАТИВИСТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ РОССИЙСКИХ ВОСТОКОВЕДОВ XX ВЕКА .....	91
<b>17. Қаршибаева Улжан, Зоирова Азиза</b>	
БАЛЬЗАК АСАРЛАРИДА ШАХСНИНГ БУРЖУА ЖАМИЯТИДАГИ ФОЖИАСИ .....	102
<b>18. Хошимова Дилдора</b>	
МУМТОЗ АСАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	105
<b>19. Насруллаева Нафиса</b>	
ГИ ДЕ МОПАССАННИНГ “ВЕР АМГ” (“АЗИЗИМ”) РОМАНИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМА МАТНИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ .....	108
<b>20. Мамадалиев Аҳмадали</b>	
БОБУРНОМА АСАРИДА ТАРЖИМОН ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН АЙРИМ ИЗОҲЛАР ТАРЖИМАСИ .....	111
<b>21. Турдиева Нилуфар</b>	
К МЕТОДИКЕ ПЕРЕВОДА ЧАСТИЧНО – ЭКВИВАЛЕНТНЫХ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ (на материале англо-русского перевода) .....	113
<b>22. Қурбонов Парда</b>	
ИНГЛИЗ РОМАНТИЗМИ ВА ШАРҚ МАВЗУИ .....	116
<b>23. Насриддинова Ёркиной</b>	
ПРОБЛЕМЫ ВОСПРОИЗВЕДЕНИЯ ПОЭТИЧЕСКОГО РИТМА В ПЕРЕВОДЕ УЗБЕКСКИХ ЭПИЧЕСКИХ ПАМЯТНИКОВ НА ФРАНЦУЗСКИЙ ЯЗЫК (На материале перевода узбекской поэмы «Нурали») .....	121
<b>24. Тоирова Наргиза</b>	
ОМОН МУХТОР ВА ОСКАР УАЙЛД ИЖОДИДА РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ .....	125
<b>25. Ҳамидов Хайрулла</b>	
ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДАГИ МУРОЖААТ СЎЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗГАЧАЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА АКС ЭТИШИ ХУСУСИДА .....	129
<b>26. Мухаммедова Нилуфар</b>	
МАРГАРЕТ ДРЭББЛ ИЖОДИНИНГ АДАБИЙ КОНТЕКСТИ .....	136

## ТЕОДОР ДРАЙЗЕРНИНГ “АМЕРИКА ФОЖИАСИ” РОМАНИ – НАТУРАЛИЗМ ИЖОДИЙ МЕТОДИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

М.К.Бакоева, ф.ф.д., БухДУ профессори,  
У.С.Очилов, БухДУ ўқитувчиси,

**Аннотация.** Ушбу мақола Америка ёзувчиси Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романида натуралистик хусусиятларни ўрганиш муаммосига бағишланган. Жаҳон адабиётшунослигида натуралистик бадий асарларга ёндашувда яқдиллик мавжуд эмас. Мақола муаллифлари шу масалани ўз илмий кидирувларига таяниб ёритишга ҳаракат қилишган.

**Калит сўзлар:** натурализм, танқидий реализм, протагонист, ижодий метод, адабий оқим.

**Annotation.** The article is dedicated to the problem of study of naturalistic peculiarities in the novel “An American Tragedy” by the American writer Theodore Dreiser. In the world literature there is no common approach to the naturalistic literary works. The authors of the article try to consider this problem on the basis of their own research.

**Key words:** naturalism, critical realism, protagonist, literary method, literary trend.

Маълумки, Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” биринчи жаҳон урушидан сўнг 1925 йилда нашр этирилган икки жилдли роман бўлиб, бу асар Драйзер ижодининг энг юқори ютуғи ва америка адабиётининг XX асрдаги энг яхши асарларидан бири ҳисобланади.

Теодор Драйзер ўз асарларида америкача ҳаёт тарзининг ҳамма томонларига эътибор қаратар эди. Америкалик танқидчилар ва адабиётшунослар Драйзер тасвирлаган катта бизнес оламининг сўзсиз ишончли ва чуқур ифодаланганлигининг сири нимада эканлиги тўғрисида бош қотиришар, ва бу саволга яқдиллик билан бунинг сири муаллифнинг ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама билишидадир, деган хулосага келишарди. “Америка фожиаси” воқеликни кенг камраб олиши, кўтарилган ғоя ва танқидий фикрларнинг чуқурлиги, бадий маҳоратнинг юксаклиги билан жаҳон прогрессив адабиётининг энг яхши реалистик асарлари қаторидан жой олди.” (1, 310)

Асарнинг протагонисти (бош қаҳрамони) Клайд Гриффитс – ўз давридаги америкалик ёшларнинг типик вакили, биринчи жаҳон урушидан кейинги ҳаётда ўз ўрнини тополмай оламдан ўтган ёшларнинг биридир. Муаллиф Гриффитс фожиаси воситасида ўзи яшаган жамиятдаги даҳшатли воқеаларни, ноҳақликларни, уларнинг инсон онгига, табиатига, ҳатти-ҳаракатига таъсирини кузатади, тасвирлайди ва аёвсиз танқид қилади. Мана шу кучли танқид туфайли кўпгина рус ва ўзбек адабиётшунослари ушбу романни танқидий реализм ижодий методи ва адабий оқимига тегишли деб ҳисоблайдилар.

Драйзернинг ватандошлари – америкалик адабиётшуносларнинг аксарияти эса “Америка фожиаси”ни натурализмнинг ёрқин ифодаси деб

хисоблайдилар. Жумладан, Ричард Руланд , Малколм Бредбери, Катрин ВанСпанскерин асарларида ушбу асарга натурализм намунаси сифатида ёндашилган.

Фикрлардаги бу турли-туманликнинг асосий сабаби фақатгина шу асарнинг ўзи билан эмас, балки натурализмга бўлган муносабат билан ҳам боғлиқ. Натурализм Европада тарқалишни бошлаганига бир ярим аср бўлса-да унга нисбатан муносабатда ҳали ҳам яқдиллик мавжуд эмас.

“Америка фожиаси” романини баъзилар танқидий реализм адабий оқимига тегишли дейишса,, [2,292;] бошқалар уни натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади.[3, 46] Баъзи манбаларда эса реализм ва натурализм бир оқимнинг ўзи, ёки “натурализмни “кучайтирилган реализм” деб ҳисоблашади. [13]Адиб ва адабиётшунослар орасида натурализмни ҳаттоки “романтизмнинг бир шакли” деб баҳолаганлар ҳам бор [9,230].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида натурализм ҳақида ёзилган маълумотдан: “Натурализм – 19-асрнинг охириги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим ва ижодий метод; реал борликни объектив, аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилан.

... Адабиётда Натурализм инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Натурализм дастлаб Францияда пайдо бўлди. Француз адиби ўзининг “Экспериментал роман” (1880), “Натуралист романчилар”, “Театрда натурализм”, “Драматургларимиз” (1881) асарларида

Натурализмни ижодий метод сифатида асослаб берган...

Гарчи Россия адабий муҳитида “Натурализм” атамаси бевосита қўлланмаган бўлса ҳам бу оқим таъсири Д.Е.Маминсибиряк , П.Д.Боборикин ижодида сезилади. “( 11, 105)

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам натурализмга нисбатан аниқ муносабат ва бу борада ёзилган ишлар деярли мавжуд эмас. Адабиётшуносликка оид баъзи асарларда бу борада қисқагина маълумот берилди. Мисол учун, 21-асрда нашр этилган Уммат Тўйчиевнинг “Ўзбек адабиётида бадиийлик” монографиясида, гарчи бошқа адабий методлар ҳақида анчагина кенг маълумот берилган бўлса-да, натурализм ҳақида “Дунёда “символизм”, “натурализм”, “модернизм” деган ижодий методлар ҳам бор” – деб бир гап билан эслатиб ўтилган. ( 12, 350)

1979 йилда нашр қилинган “Адабиётшуносликка кириш” китобида натурализм ҳақида қисқача қуйидагича маълумот берилган:

“Натурализм” оқими мумкин қадар мукамал реализмга эришишга бўлган интилишлар натижасида вужудга келган. Аммо бу оқим вакиллари-нинг асарларидаги ортиқча тафсилотлар, икир-чикирлар гоҳо эстетика ва этика даражасидан чиқиб кетади ва китобхонни ёки томошабинни асосий образлар, ғоялар, маънавий муаммолардан чалғитади. Француз ёзувчиси Эмиль Золянинг “Тереза Ракен”, “Ижод” романларида, Мопассаннинг баъзи ҳикояларида шу ҳолни кўриш мумкин. Аммо натурализм оқими вакиллари кўпчилик асарларида ҳаётнинг чинакам реалистик картиналарини яратдилар.” (10, 218 .)

Кўриниб турибдики, ўзбек адабиётшунослигида натурализм ижодий методи ва адабий оқими етарлича эътибор қозонмаган.

Бу ўринда савол туғилади: нима учун бир асарнинг ўзини, жумладан “Америка фожиаси” ни, рус адабиётшунослари танқидий реализмга, америка адабий танқидчилари эса натурализмга алоқадор деб ҳисоблашади. Фикри-мизча, бунинг сабаби шундаки, танқидий реализмда ҳам, натурализмда ҳам жамиятдаги ҳодисалар, атроф-муҳитда содир бўладиган воқеалар қаттиқ танқид қилинади. Танқидий реализм ҳам, натурализм ҳам аслида реализмнинг кўринишларидир. Фақат америкалик олимлар натуралистик асарлардаги протоголист, яъни бош қаҳрамонлар, инсон табиатига объектив ва чуқурроқ тавсиф беришга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, натуралистик асарларда инсон ўз ирода кучига эга бўлмаган, жамият ва табиат, биологик жараёнлар таъсиридаги бир нотавон жонзотдир. У- ўз тараққиёт қонуниятларига эга бўлган табиатнинг бир заррасидир. Буни Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романи мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” романида яратган Клайд образи унинг “Бахтиқаро Керри” (“Sister Carrie”) асаридаги Керри ёки

“Даҳо” (The “Genius”) романидаги Витла образларига сира ўхшамайди. У қандайдир қудратли кучга ёки иктидорга эга бўлмаган оддий бир инсон. Клайднинг фожиасига сабаб бўлган асосий омил – унинг иродасизлиги.

У атроф-муҳит таъсирига ҳам ўзининг биологик хусусиятларидан бўлган хирсга ҳам қарши туrolмайди. Ўзи камбағал оиладан бўлса-да, унинг бошқаларга бўлган муносабати уларнинг бойлиги, жамиятдаги ўрни, дабдабали тураржойига қараб белгиланади. Ҳатто севгилиси Робертани ҳам у бой оиладан бўлмаганлиги туфайли рад этади. Қуйидаги мисолда Клайднинг Робертанинг ота-онаси яшайдиган жойларни кўргандаги ҳолати, ички таассуротларини кузатиш мумкин:

“... For what a house, to be sure! So lonely and bare, even in this bright, spring weather! The decayed and sagging roof. The broken chimney to the north—rough lumps of cemented field stones lying at its base; the sagging and semi-toppling chimney to the south, sustained in place by a log chain. The unkempt path from the road below, which slowly he ascended! He was not a little dejected by the broken and displaced stones which served as steps before the front door. And the unpainted dilapidated out-buildings, all the more dreary because of these others.”

“...Шу ҳам уй бўлди-ю! Ҳатто мана шундай серқуёш баҳор кунида ҳам етимча дек сўшпайиб, шип-шийдам ҳолича турибди. Томлари чириб, чўкиб кетган. Бир мўрисининг қувури қулаб тушган, тагида ғишт парчалари уюлиб ётибди; иккинчиси ҳам қулай-қулай деяпти-ю, тирговуч кучи билан зўрға турибди. Клайд ҳозир юқорига кўтарилиб бораётган, манави бошдан-охир

ажриқ босиб кетган ифлос йўлкани айтмайсизми! Кираверишга, эшик бўсағасига зинапоя ўрнида ётқизилган қийшиқ-қинғир синиқ тошларни кўриб, Клайднинг энсаси қотиб кетди.”(5, 16)

Аслида Клайд бу воқеадан, яъни Роберта ота-онасининг ҳовлисини кўрганидан анча олдин бу киздан, камбағаллиги туфайли, кўнгли совиб,

гўзал ва бой қиз Сондрага томон оғаётган эди. Бу кўримсиз жойларни кўргандан кейин эса унинг қарори янада қатъийлашади. Бу ўринда Клайднинг бойликка ўчлиги, ўзи яшаётган жамиятда қандай қилиб бўлса ҳам юқори поғонага эришишга интилиши тасвирланган.

Қуйида эса унинг биологик ҳисларини тизгинлай олмаслиги кўрсатилган:

“So, by virtue of such mental prestidigitation and tergiversation, inspired and animated as it was by his desire for Sondra, his inability to face the facts in connection with Roberta, he achieved the much-coveted privilege of again

seeing her, over one week-end at least, and in such a setting as never before in his life had he been privileged to witness.”

“У Сондрага нисбатан кўзгалган хирсини тизгинлай олмас, гап Робертага келиб тақалганда эса ҳақиқатга тик қараёлмас, шу йўсинда ўзини ўзи алдар ва ўзига ўзи чап берарди; натижада у ўзи орзиқиб кутган Сондра висолига ҳам етишди, бунинг устига у шундай бир ҳолатда етишдики, буни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.” (5, 43)

Шу тарзда бу икки омил, яъни Клайднинг ўзи яшаган жамиятдаги қонуниятларга тамоман берилган, бойликка ўч инсонлиги ва унинг чиройли қизларга нисбатан хирси унинг умри электр курсисиди тугашига олиб келади.

Акс ҳолда фабрика хўжайинларидан бири - Амакиваччаси Гилбертнинг йўриқларига амал қилган ва муаммоларга дуч келмаган бўлар эли. Амакиваччаси уни фабрикада бошлиқлар ўз кўл остида ишлаган қизлар билан муносабатда бўлиши таъқиқланганлигидан хабардор қилган эди. Клайд шу кўрсатмаларга амал қилиб, Робертани севиб қолмаганида ва уни ҳомилдор қилиб қўймаганида ўзи орзу қилган кунларга эришиши мумкин эди. Аслида Клайднинг Робертага муҳаббатини севги деб аташ мумкинмикан. Агар шундай бўлганда, у бой ва гўзал Сондрани кўриб, унга кўнгил қўймаган бўлар эди.

Асарда Клайд Гриффитснинг ўта худбинлиги унинг ўзи яшаган жамиятдаги қонун-қоидаларнинг, инсонга нисбатан муносабатнинг натижаси эканлиги кўрсатилади, яъни инсонни фақат унинг оиласи эмас, балки жамият, ижтимоий муносабатлар ҳам тарбиялаши тасвирланади. Мана шу атроф-муҳит таъсири ва Клайднинг иродасизлиги охир-оқибатда уни ўлим электр курсисига етаклайди.

Хуллас, Теодор Драйзернинг “Америка фожиаси” протагонисти Клайд Гриффитс том маънодаги натуралистик образ бўлиб, асарнинг ўзи

натурализм ижодий методининг ёрқин намунаси дир. Аслида натурализм ҳам реализмнинг бир кўриниши бўлиб, уни пессимистик реализм ёки натуралистик реализм деб атаса ҳам бўлади деб ўйлаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Азизов Қ., Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи - Тошкент: Ўқитувчи, 1987. –325 б.

2. Богословский В.Н., Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века. – Москва: Просвещение, 1979. –351 с. ;
3. Bronkavich T. Dreiser and his contemporaries. – USA: New York Publishing House, 2000. .
4. Гражданская З.Т. Зарубежная литература XX века – Москва: Просвещение, 1973. – 750 с.
5. Драйзер Теодор. Америка фожиаси: роман. Иккинчи қисм. Русчадан Ўқтам Усмонов таржимаси. – Тошкент: Янгиаср авлоди, 2016. – 688 б.
6. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. – Москва:
7. Kathryn VanSpankeren. Outline of American Literature. – USA, 1994. – 125 p.
8. Menken G. Theodore Dreiser. The Critical Reception. – New York, 1972. – 712.
9. Ruland R. and Bradbury M. From Naturalism to Postmodernism. –USA: Penguin Books, 1992. -457 p.
10. Шукуров Н., Хотамов Н., Холматов Ш., Махмудов М. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. -232 б.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти. Н ҳарфи.
12. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлик. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2011, -508 б.
13. <http://xroads.virginia.edu/-Hyper Realism/chap01/html>